

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАЖИДОВА НАРГИЗА КАХРАМОНОВНА

**МОЙЛАР КАТАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДЛАРИДА ГИД-
РОГЕНЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛ-
МИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Мажидова Наргиза Кахрамоновна

Мойлар катализаторининг янги авлодларида
гидрогенлаш технологиясини ривожлантиришнинг
илмий асосларини такомиллаштириш 3

Мажидова Наргиза Кахрамоновна

Совершенствование научных основ развития
технологии гидрогенизации масел на катализаторах
нового поколения 27

Majidova Nargiza Kahramonovna

Improving the scientific basis for the development
of technology for hydrogenation of oils on new
generation catalysts 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАЖИДОВА НАРГИЗА КАХРАМОНОВНА

**МОЙЛАР КАТАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДЛАРИДА ГИД-
РОГЕНЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛ-
МИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестацион комиссияда В.2017.2.DSc/T119 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz манзили бўйича ва ахборот-таълим портали «Ziynet» ([www.ziynet.uz.](http://www.ziynet.uz)) да жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Кади́ров Юлдашхон Кади́рович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович

техника фанлари доктори, профессор

Тиллаева Гулнора Уринбаевна

техника фанлари доктори, профессор

Рахимджанов Махамаджон Ахмаджанович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзғойсаноат корхоналари уюшмаси

Диссертация ҳимояси «___» _____ 2019 й. да соат «___» да Тошкент кимё-технология институти қошидаги DSC.27.06.2017.т.04.01 бўйича илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@mail.ru.)

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида №___ рақам остида рўйхатга олинган бўлиб, у билан АРМ да танишишингиз мумкин. (100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871)244-79-21).

Диссертация автореферати «___» _____ 2019 йилда тарқатилган.

(тарқатма баённомаси _____ 2019 й №_____ рақам остида).

С.М.Туробжонов

Илмий даражаларнинг берилиши бўйича
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражаларнинг берилиши бўйича
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

К.О. Додаев

Илмий даражаларнинг берилиши бўйича
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
т.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат, кимё, машинасозлик sanoатларида озиқабоп ўсимлик мойлари ва қаттиқ ёғлардан кенг қўламда фойдаланилади, улар асосида озиқ-овқат, нонвойчилик, қандолатчилик маҳсулотлари, кимё sanoатида эса хархил иссиқликка чидамли кимёвий барқарор моддалар, машинасозликда техник сурков мойлари олишда ишлатилади. Таркибида транс-изомерланган ёғ кислоталари минимал миқдорига эга маргарин маҳсулотларининг сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўсимлик мойлари ва ёғларнинг каталитик модификацияси бўйича, янги турдаги каталитик тизимлардан фойдаланиб ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш алохида аҳамиятга эга.

Дунёда юқори қаттиқликдаги озиқ-овқат ёғларининг хоссаларини, маргарин маҳсулотларидаги транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдорини камайтириш, уларнинг таркибини ва технологик хоссаларини оптималлаштириш, уларга каталитик жараёни хароратини, давомийлигини таъсирларини аниқлаш, озиқ-овқат ёғлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотларга эътибор берилмоқда. Шу билан бирга озиқ овқот мойларини сифатини ошириш учун фаол минерал қўшимчалар ва тўлдирувчи қўшимчаларнинг муқобил манбаларини каталлизаторлар олишда қўллашни тақозо этади.

Республикамизда охириги йилларда мойлар каталлизаторларининг яратиш ва улар асосида технологияларни такомиллаштириш ва мойларни янги композицион турларини олиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, sanoатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам ашё сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини озуқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада маргарин маҳсулотларини тайёрлаш учун ўсимлик мойларидан, фойдаланиб сифатли юқори қаттиқликдаги озиқ-овқат ёғларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони, 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой соҳасини жадал ривожлантириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устивор йўналишларига боғликлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи².

Каталитик тизимлардан фойдаланиб мой ва ёғларни каталитик модификациялаш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Australian Institute of Petroleum (Австралия), Delft University of Technology (Нидерландия), French Petroleum Institute (Франция), West Virginia University (АҚШ), The University of Tokyo (Япония), Exxon, BASF (Германия), Озарбайжон илмий-тадқиқот институти (Озарбайжон), Уфа Давлат университети, Россия Фанлар Академиясининг Нефть кимёси синтези институти (Россия) Умумий ва аорганик кимё илмий-тадқиқот институти, Тошкент кимё-технология институти ва Бухоро муҳандислик-технология институтида (Ўзбекистон) илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда мойларни гидрогенлаш технологиясини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: пальма ёғи ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаш-тирилган (Australian Institute of Petroleum, Австралия); тўйинтириш технологиясида никелли катализаторлар ишлатиш технологияси яратилган (Delft University of Technology, Нидерландия); мойли эфирлардан пардозлик саноатида фойдаланиш усули яратилган (French Petroleum Institute, Франция); кукунсимон катализаторларни модификациялаш таклиф этилган (West Virginia University, АҚШ); денгиз жониворларини ёғларини озик-овқат саноатида қўллаш таклиф этилган (The University of Tokyo, Япония); сирт фаол моддалардан каталитик тизимларда фойдаланиш таклиф этилган (Exxon, BASF, Германия).

Дунёда мойларни гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борил-моқда: транс-изомерланган ёғ кислоталарининг миқдори маълум даражага эга бўлган овқат боп тўйинтирилган ёғларни ишлаб чиқариш; турли каталитик тизимлардан фойдаланиб мойларни каталитик модификациялаш; кукунсимон ва турғун катализаторларни яратиш; модификацияланган ёғлар асосида турли хил маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Катализаторларда мойларни гидрогенлаш бўйича П.А.Артамонов, Н.С.Арутюнян, Ф.Б.Бижанов,

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шархи: <http://www.nist.gov>, www.ukgu.kz/ru, <http://www.cmaindia.org/>, www.heidelbergcement.com/en, <https://cembureau.eu>, <https://www.muctr.ru>, www.ultratech.com/, <https://www.susu.ru/ru>, <https://www.vdzonline.de>, www.whitehopleman.com/, <https://www.dalmiabharat.com>, www.cnbmengineering.cm/, www.gambarcotta.it, www.bwfgroup.de/, www.sanghiment.com/, www.aslancimento.com.tr/ ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган.

М.А.Гинзбург, К.А.Жубанов, Н.Л.Меламуд, П.В.Науменко, А.Г.Сергеев, Д.В.Сокольский, А.И.Глушенкова, И.М.Товбин, Б.Н.Тютюнников, А.А.Шмидт, А.А.Абдурахимов, И.Б.Исабаев С.А.Абдурахимов, Ю.К.Кадиоров, К.Х.Мажидов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ўсимлик мойлари ва ёғларни каталитик гидрогенлашнинг такомиллаштирилган; пахта, соя ва пальма мойлари асосида озик-овқат ёғларини ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик шароитлари ишлаб чиқилган; турли хил маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун гидрогенланган ёғлардан фойдаланиш; олинган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун маълум бир катализаторлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Шу билан бирга ўсимлик мойлари ва ёғларни каталитик гидрогенлашни такомиллаштириш; пахта, соя ва пальма мойлари асосида озик-овқат ёғлари олиш технологик шароитларини оптималлаштириш; турли хил маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун гидрогенланган ёғлардан фойдаланиш; олинган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг ЁА9-5 «Юқори сифат ва озик-овқат хавфсизлиги кўрсаткичига эга переэтирфикацияланган ёғларни ишлаб чиқариш йўналишида ишланмалар» (2014-2015 йй.), ИОТ-9-8 «Юқори сифат ва озик-овқат хавфсизлиги кўрсаткичига эга ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича янги ишланмалар» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мойлар катализаторларининг янги авлодларида пахта мойини гидрогенлаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

пахта мойини хомашё манбаи сифатида гидрогенлашнинг технологик жараёнига тайёрлашнинг инновацион усулини ишлаб чиқиш;

пахта мойини гидрогенлаш учун янги авлод катализаторларини яратиш; янги авлод катализаторларида пахта мойини гидрогенлашнинг асосий илмий ва амалий ўзгаришларини аниқлаш;

пахта мойини гидрогенлаш натижасида юқори қаттиқликдаги озик-овқат ёғларининг юқори сифатини ва озик-овқат хавфсизлигини таъминловчи факторларни аниқлаш;

ёғлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг сифати ва озик-овқат хавфсизлигини ошишини, шунингдек, транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдорини пасайишини таъминловчи ёғ кислота ациллари тақсимотини аниқлаш ;

маргарин маҳсулотлари ва юқори қаттиқликдаги қандолатчилик ёғлари ишлаб чиқариш учун пахта мойини каталитик гидрогенлаш маҳсулотларини ишлатиш;

каталитик гидрогенланган ёғларнинг янги турлари асосида маргарин маҳсулотлари таркибини яратиш ва олиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион технология усули асосида олинган рафинацияланган пахта мойи, никель, мис ва турли промоторли қўшимчалар асосидаги кукунсимон ва турғун каталитик тизимлар, юқори қаттиқликдаги озик-овқат ёғлари асосидаги маргарин маҳсулоти танланган.

Тадқиқотнинг предмети пахта мойини гидрогенлашга тайёрлашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш, янги авлод катализаторларида каталитик гидрогенлаш технологиясини тадқиқ қилиш, юқори қаттиқликдаги озик-овқат ёғлари ва улар асосида олинадиган маргарин маҳсулотларининг юқори сифатини ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Замоनावий физикавий, кимёвий ва физик-кимёвий усуллар (ИК, ГЖХ, ТСХ) қўлланилган ва олинган тажриба маълумотларини математик қайта ишлаш ўрганиб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта мойини хомашё манбаи сифатида гидрогенлашнинг технологик жараёнига тайёрлаш усули ишлаб чиқилган;

пахта мойини гидрогенлаш учун катализаторларнинг янги авлодлари яратилган;

янги авлод катализаторларида пахта мойини гидрогенлашнинг асосий илмий ва амалий ўзгаришлари аниқланган;

пахта мойини гидрогенлаш натижасида юқори қаттиқликдаги озик-овқат ёғларининг юқори сифати ва озик-овқат хавфсизлиги аниқланган;

ёғлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг сифати ва озик-овқат хавфсизлигини ошишини, улар таркибидаги транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдорини пасайишини таъминловчи ёғ кислота ациллари тақсимланиши аниқланган;

маргарин маҳсулотлари ва юқори қаттиқликдаги қандолатчилик ёғлари ишлаб чиқариш учун пахта мойини каталитик гидрогенлаш маҳсулотлари яратилган;

каталитик гидрогенланган ёғларнинг янги турлари асосида маргарин маҳсулотлари таркиби ва олиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

каталитик гидрогенланган ёғларда маҳсулотларнинг сифати ва озик-овқат хавфсизлигини ошириш имконини берадиган қаттиқ ва суюқ учглицеридлар зарурий миқдори асосланган;

озик-овқат ёғларини қайта ишлаш маҳсулотлари таркибида транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдорини пасайишини ва политўйинмаган ёғ кислоталари зарурий миқдорини таъминловчи каталитик тизимлар яратилган;

пахта мойи асосида юқори сифат ва озик-овқат хавфсизлигига эга каталитик гидрогенланган ёғларни ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик шароитлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги физик-кимёвий таҳлиллар замонавий усулларидан фойдаланиб бошланғич хомашё ва каталитик гидрогенлаш маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини, янги авлод катализаторларининг асосий гидрогенловчи хоссаларини таҳлил қилиш билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта мойини гидрогенлаш учун тайёрлашнинг инновацион технологиясига электромагнит ишлов беришнинг роли ва аҳамияти, каталитик гидрогенлаш маҳсулотлари сифати ва озик-овқат хавфсизлигининг қаттиқ ва суюқ учглицеридлар миқдори ва нисбатидан боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти каталитик гидрогенланган ёғлар таркибида маҳсулотларнинг сифати ва озик-овқат хавфсизлигини ошириш имконини берадиган қаттиқ ва суюқ учглицеридларнинг, озик-овқат ёғларини қайта ишлаш маҳсулотларида транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдорини пасайтириш ва политўйинмаган ёғ кислоталари зарурий миқдорини таъминлайдиган каталитик тизимлар яратилганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Мойлар катализаторларининг янги авлодларида гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

учглицеридлар аралашмасини переэтерификациялаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 20150174, 2016). Натижада ёғ таркибидаги учглицеридлар аралашмасини переэтерификациялаш имконини берган.

усимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлаш катализаторларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 20170098, 2017). Натижада ўсимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлаш катализаторларини маҳаллий хомашёлар асосида олиш имконини берган.

никел-мис-алюминий қотишмали турғун катализаторларнинг таркибига родий, ванадий, рутений, паладий, рений, германий ва қалай кўшимчалари асосидаги катализаторлар «Тошкент ёғ мой комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзпахтаёғ» ХЖнинг 2018 йил 03 майдаги МС/2-1133-сон маълумотномаси). Натижада катализаторларнинг янги авлодларини каталитик хоссаларини ошириш имконини берган;

мойларни гидрогенлаш жараёнига электромагнит майдонини қўллаш технологияси «Тошкент ёғ мой комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзпахтаёғ» ХЖнинг 2018 йил 03 майдаги МС/2-1133-сон маълумотномаси). Натижада гидрогенлаш жараёнини жадаллаштириш имконини берган;

турғун ва кукунсимон «Нисосел-800» катализаторлар иштирокида таркибида 5-7% транс-изомерланган ёғ кислотали овқатбоп ва юқори қаттиқликдаги тўйинтирилган ёғлар ишлаб чиқариш технологияси «Тошкент ёғ мой комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзпахтаёғ» ХЖнинг 2018 йил 03 майдаги МС/2-1133-сон маълумотномаси). Натижада

махсулотларнинг сифатини ошириш ва озикавий хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

яратилган катализаторларда олинган кам миқдордаги (5-7%) транс-изомерли овқатбоп саломаслар асосида маргаринларни тайёрлаш техникаси ва технологияси «Тошкент ёғ мой комбинати» АЖда маргаринларнинг сифатини ошириш ва турларини кенгайтиришга амалиётга жорий этилган («Ўзпахтаёғ» ХЖнинг 2018 йил 03 майдаги МС/2-1133-сон маълумотномаси). Натижада маргарин махсулотлари турларини 20% ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида, семинар ва кенгашларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 3 та монография, 2 та патент ва 8 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, улардан 2 та мақола республика журналида, 6 та мақола хорижий журналларда чоп этилган, 30 та маъруза тезислари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 217 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилади, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилиги ва амалий натижалар тавсифланади, олинган натижалар ишончлилиги асослаб берилади, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Хомашёни тайёрлаш ва ўсимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлашнинг ҳозирги ҳолати. Каталитик тизимлар**» деб номланган биринчи бобида хомашёни гидрогенлашга тайёрлашнинг асосий усуллари ва таснифлари, ҳамда уларни ривожлантириш йўналишлари изоҳланган. Ўсимлик мойларини ва ёғларни катализаторларда гидрогенлаш технологик усуллари баён этилган. Бу мақсад учун кукунсимон ва турғун катализаторлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Мойларни гидрогенлашнинг макрокинетикаси изоҳланган. Кимёвий ва математик тенгламалар келтирилган. Макрокинетиканинг гидрогенлаш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти асосланган. Гидрогенлаш технологиясида катализаторларнинг ўрни ва аҳамияти баҳоланган. Катализаторларни турли хил қўшимчалар билан мо-

дификациялашга эътибор берилган. Мой ва ёғларни каталитик гидрогенлаш махсулотларининг сифат ва таркиб кўрсаткичлари келтирилган. Тўйинтирилган ёғларни сифатини ва таркибини таъминловчи асосий факторлар изоҳланган. Гидрогенланган ёғларни сифатини ва таркибини юксалтиришнинг асосий истиқболли йўналишлари баҳоланган. Натижада адабиёт шарҳи асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.


Диссертациянинг «**Хомашёни тайёрлашнинг инновацион усуллари ва гидрогенлаш катализаторлари. Илмий ва тажриба тадқиқотларнинг асослари**» деб номланган иккинчи бобида хомашёга ишқор эритмаси билан ишлов бериш давомийлигини камайтириш йўли билан пахта мойини рафинациялаш технологик жараёни жадаллаштирилган рафинацияланган пахта мойи чиқиши ва сифатини ошириш мақсадида тадқиқотларда ишқор сарфини камайтириш ва рафинацияланган мой озукавий қийматини ошириш вазифаси қўйилган. Бу вазифани ечишда пахта мойини рафинациялашнинг икки босқичли технологияси таклиф қилинди. Рафинациялаш технологиясининг биринчи босқичида қисман нейтраллашган мойни олиш учун эркин ёғ кислоталари (К.с.) ва йўлдош моддалар миқдорини маълум даражада пасайтиришга эришилади. Бу хомашёга турли концентрацияли ва ортиқча миқдордаги натрий алюминат ишқорий эритмаси билан ишлов бериш орқали амалга оширилади. Иккинчи босқичда қисман нейтраллаштирилган хомашёни якуний рафинациялаш технологияси турли концентрацияли ва ортиқча миқдордаги натрий гидроксид эритмаси билан ишлов бериш орқали амалга оширилади. Мазкур усул натижасида рафинацияланган мойнинг сифати ва чиқиши оширилишига эришилади. Хомашёни ишқорий эритмалар билан ишлов беришнинг умумий давомийлиги 120...240 сек. бўлади, рафинацияланган мой чиқиши хомашёнинг бошланғич кислота сонидан (К.с.=6,9...10,8 мг·КОН/г) боғлиқ равишда 78...87% ни ташкил қилади. Бунда олинган мойлардаги эркин ёғ кислоталарининг қолдиқ миқдори 0,27...0,31 мг·КОН/г чегарасида ўзгариб туради, ва 13,5 см қатламда ранглилиги 35 сарик бирликда 11...13 қизил бирликни ташкил қилади. Рафинациялаш технологик жараёнларини тезлаштириш учун натрий гидроксид ва алюминати ишқорий эритмаларига электромагнит ишлов берилиб, бунда озиқ-овқат корхоналарида сувли эритмаларга ишлов бериш учун кенг қўлланиладиган одатий электромагнит аппарат АМО-25 УХЛ4 дан фойдаланилди. Аппаратдаги электромагнит майдоннинг 0,4...2,8 А/м кучланиши аппаратнинг муҳим қисми бўлган ВСА-5К тўғрилагичдан фойдаланиб амалга оширилди. Хом пахта мойини электромагнит майдонда ишлов берилмаган ва берилган натрий алюминат ишқорий эритмаси билан қисман нейтраллашнинг принципиал технологик схемаси 1-ва 2-расмларда келтирилган.

Жараён кислота сонини қисман (тахминан ярмигача) пасайтириш ва мойдаги йўлдош моддаларни йўқотиш мақсадида амалга оширилган. Ишқорий эритмаларнинг концентрацияси ва ортиқча миқдори хомашёнинг бошланғич кислота сонидан боғлиқ равишда ҳисоблаш йўли билан аниқланган. Нейтрализация жараёнини 20...22°С да, хомашё кислота сони

ўрнатилган миқдори пасайиши таъминланадиган вақт давомийлигида амалга оширилди. Тадқиқотлар электромагнит майдонда ишқорий эритмани ишлов бермасдан ва бериб ўтказилди. Нейтрализация жараёни тугаганидан сўнг қисман рафинацияланган хомашё тиндирилди ва ҳосил бўлган натрийли тузлардан (соапстоклардан) филтёрлаб тозаланди. Қисман рафинацияланган хомашё ишқорий эритма қолдиқларидан ювиб тозаланди ва эркин намликдан қуритилди, кейин физик-кимёвий таҳлилдан ўтказилди. Олинган таҳлил натижалари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.



1-расм. Хом пахта мойини нейтраллаштириш технологиясининг биринчи босқичи



2-расм. Қисман нейтраллаштирилган пахта мойини рафинациялаш технологиясининг иккинчи босқичи

Шундай қилиб, электромагнит майдонда ишқорий эритмаларни дастлаб ишлов бериш йўли билан хом пахта мойини рафинациялаш технологияси ишланмаси ёрдамида рафинацияланган мой сифати ва озиқ-овқат хавфсизлиги оширилишига, ишлатиладиган ишқорий эритмалар сарфини пасайтиришга эришилди. Пахта мойини каталитик модификациялаш бўйича тажриба

тадқиқотларида турли хил каталитик тизимлардан фойдаланилди. Лабораторияда гидрогенлаш учун никель, мис ва промоторловчи қўшимчалар асосидаги турғун қотишмали катализаторлар тадқиқ қилинди. Битта ва иккита промоторловчи қўшимчаларни сақланиши ўрганиб чиқилди. Тадқиқ қилинган турғун қотишмали катализаторлар компонент таркиби 3- ва 4-жадвалларда келтирилган.

Кукунсимон катализатор сифатида Голландиянинг Энгельхард фирмаси томонидан ишлаб чиқариладиган «Нисосел-800» катализатори ишлатилди. Мазкур катализатор пахта мойини гидрогенлаш саноат тажриба тадқиқотларида тадқиқ қилинди. Катализатор озик-овқат ва техник мақсадли тўйинтирилган ёғларни ишлаб чиқаришда ишлатиш учун мўлжалланган. Тадқиқотларда шунингдек иккита промоторловчи қўшимчаларнинг комбинацияланган бирикмасига эга никель-мис-алюминийли (25,0:25,0:46,0...48,5) қотишмалар ҳам тадқиқ қилинди (5-жадвал). Пахта мойини каталитик гидрогенлаш бир хил технологик шароитларда (6-жадвал) амалга оширилган бўлиб, уларда турғун қотишма катализаторларнинг аосий хоссалари аниқланган. «Нисосел-800» қотган юқори эрувчан чуқур гидрогенланган ёғда «никель-никель алюминат-никель силикат» туридаги инерт ташувчида суртилган катализатор майин дисперс заррачалари бўлиб ҳисобланади.

1-жадвал.

Қисман нейтраллаштирилган пахта мойига электромагнит майдони кучланганлигини таъсири натижалари

№	Кучланганлик ЭММ, А/м	Охирги рафинациялаш натижалари			Охирги рафинациялаш натижалари		
		Кислота сони, мг·КОН/г	Ранглилик қиз. бирлик 35 сариқ 13,5 см. қал.	Мойнинг ашёга нисбатан чиқими, %	Кислота сони, мг·КОН/г	Ранглилик қиз. бирлик 35 сариқ 13,5 см. қал.	Мойнинг ашёга нисбатан чиқими, %
1	Хомашё	3,9	36	-	4,3	40	-
2	ЭММ да ишлов бермасдан	0,27	11	93,4	0,31	13	91,2
3	0,4	0,20	9	93,5	0,29	12	91,3
4	0,8	0,13	7	93,6	0,21	11	91,5
5	1,2	0,10	5	93,7	0,15	10	91,6
6	1,6	0,07	4	93,8	0,11	9	91,8
7	2,0	0,07	4	93,9	0,11	9	91,9
8	2,4	0,07	4	93,9	0,11	9	92,0
9	2,8	0,07	3	93,9	0,11	8	92,0

2-жадвал.

**Қисман нейтраллаштирилган пахта мойининг кўрсаткичларини электромагнит майдони билан ишлов
беришнинг давомийлигига боғлиқлиги**

№	Нейтрал- лаш давомий- лиги, сек	ЭММ да ишлов бермасдан						1,6 А/м кучланганликдаги ЭММ да ишлов бериш натижасида					
		Қисман нейтраллаштирилган мойинг физик-кимёвий кўрсаткичлари			Қисман нейтраллаштирилган мойинг физик-кимёвий кўрсаткичлари			Қисман нейтраллаштирилган мойинг физик-кимёвий кўрсаткичлари			Қисман нейтраллаштирилган мойинг чикими, %		
		Кислота сони, мг.КОН/г	Ранглик киз. бирлик 35 сарик 1 см. кал.	Фосфолитлар	Эркин госсипол	Микдори, %	Боғланган госсипол	Кислота сони, мг.КОН/г	Ранглик киз. бирлик 35 сарик 1 см. кал.	Фосфолитлар	Эркин госсипол	Микдори, %	Боғланган госсипол
1	0	6,9	Кўринм айди	0,8	0,30	0,34	-	6,9	Кўринма йди	0,8	0,30	0,34	-
2	30	6,2	51	0,7	0,27	0,33	98,6	5,5	42	0,6	0,23	0,30	98,8
3	60	5,7	47	0,5	0,23	0,30	97,5	3,9	36	0,4	0,19	0,27	97,7
4	90	4,6	40	0,4	0,20	0,26	95,4	3,2	29	0,3	0,17	0,21	95,6
5	120	3,7	33	0,4	0,19	0,25	93,4	2,6	18	0,2	0,15	0,19	93,6

Катализаторнинг экологик ва физиологик хавфсизлиги шу асосда таъминланади, катализатор майдалаш ва элаклашни талаб қилмайди, чанг чиқармайди; қаттик, юқори эрувчан ёғ қатлами мавжудлиги никелнинг инсон танасига таъсирдан сақлайди. Катализатор «Нисосел-800» исталган турдаги транспорт турлари билан ташиш учун хавфсиз. Катализатор герметик ёпиладиган металл сиғимларга қадоқланган (150 кг катализатор, сиғим ҳажми 200 л). Ишлаб чиқарувчи қадоғида сақлаш ҳарорати 30°C дан ошмаса катализатор 2 йил давомида ўзининг хоссаларини сақлайди. Уни ёғли заррачалар кўришида бевосита иссиқ мойга юкланади (60-80°C), ва олинган суспензия катализатор аралаштиргичидан насос ёрдамида гидрогенлаш қурилмаларига узатилади. Катализатор «Нисосел-800» асосий физик-кимёвий таснифлари 7- ва 8-жадвалларда келтирилган.

Диссертациянинг «Пахта мойини катализаторларнинг янги авлодларида гидрогенлашнинг асосий технологик ўзгаришларини тадбиқ этиш» деб номланган учинчи бобида тоза, ишлатилмаган (дастлаб ишлов берилмаган) турғун катализаторларда гидрогенлаш, гидрогенландиган хомашё йод сонига нисбатан 1-тартиб реакцияси бўйича биринчи яқинлашиш чизиқлигида кечади.

3-жадвал

Турғун қотишмали бир промоторли никель-мис-алюминий катализаторларнинг таркибий қисмлари

Катализатор, №	Қотишма	Таркибий қисмлар нисбати
Дастлабки		
1	Никель-мис-алюминий	25:25:50 *
2	Никель-мис-алюминий	37,5:12,5:50 **
Промотирланган		
3**	Палладий	0,10
4**	Родий	0,50
5**	Рутений	0,15
6*	Рений	1,50
7*	Германий	1,50
8*	Қалай	1,50
9*	Ванадий	1,50

Изоҳ (*,**): промотор алюминий қисми ўрнига киритилган

4-жадвал.

Никель-мис-родий (0,5 %)-алюминий қотишмали, промоторланган катализаторларнинг таркибий қисмлари

Катализатор, №	Қўшимча	Микдори, %
10	Палладий	0,50
11	Рутений	0,50
12	Рений	2,00
13	Германий	1,50
14	Қалай	1,50
15	Ванадий	2,00

5-жадвал.**Иккита промотор билан кўшимчали никель-мис-алюминий қотишмали турғун катализаторларнинг таркибий қисмлари**

Катализатор, №	Кўшимча	Миқдори, %
16	Рений + Германий	2,0-2,0
17	Рений + Ванадий	2,0-2,0
18	Рений + Қалай	2,0-1,0
19	Германий + Қалай	2,0-1,0
20	Германий + Ванадий	2,0-2,0
21	Родий + Ванадий	0,5-1,0

Бу, эҳтимол, катализатор структурасининг аста-секин барқарорлашиши, шу жумладан қотишманинг йирик заррачалари сиртидан номустаҳкам маҳкамланган никель қисмининг аста-секин ювиб кетилиши билан тушунтирилади.

Ванадий кўшимчали никель-мис-алюминий қотишма катализаторлар иштирокида пахта мойини гидрогенлаш жараёнида ўтказилган тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатдики, мой тўйинмаганлиги даражасининг унинг катализатор билан таъсири вақтидан боғлиқлиги иккита тўғри чизиқли ҳолат билан ифодаланади. Бу шуни кўрсатадики, мазкур жараён линол ва олеин кислоталар радикаллари бўйича ноль тартибли тенглама билан тавсифланади.

6-жадвал.**Қотишмали турғун катализаторларни гидрогенлаш шароитлари**

Гидрогенлаш шароитлари кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Ҳарорат	°С	200
Босим	кПа	300
Ашёни узатиш ҳажмий тезлиги	с ⁻¹	1,5
Водородни узатиш ҳажмий тезлиги	с ⁻¹	60
Катализатор ҳажми	мл	1000
Катализатор ўлчамларининг ўртача қиймати	мм	6
Катализатор қатламининг баландлиги	мм	765
Реакторнинг диаметри	мм	50

7-жадвал.**«Нисосел-800» кукунсимон катализаторининг таркибий қисми**

Таркиб	Массавий улуши
Никель 7440-02-0	15
Алюминат никели 12004-35-2	10
Сульфид никели 12035-72-2	2
Гидрогенланган ўсимлик мойи 68334-28-1	Инобатга олинмайди

8-жадвал.

«Нисосел-800» кукунсимон катализаторининг физик-кимёвий хоссалари

Физикавий хоссалари	Қаттик, гранула
Ранги	Қора
Ҳиди	Йўқ
Эриш ҳарорати	60°С гача
Парчаланиш ҳарорати	300°С дан юқори
Ҳажмий зичлиги	700-800 кг/м
Эрувчанлиги	Эримайди
Алангаланиш ҳарорати	300°С
Ўз-ўзидан ёниш ҳарорати	350°С

Промоторланмаган ва промоторланган никель-мис-алюминий катализаторлари иштирокида пахта мойининг тўйиниш тезлигига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш 300 кПа босимда, водородни узатишнинг 60 мл с⁻¹ тезлигида, мойни узатиш 1,2 с⁻¹ ҳажмий тезлигида амалга оширилди. Тадқиқот натижалари 9-жадвалда келтирилган.


9-жадвал.

Турғун катализаторларда пахта мойини тўйинтириш тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги

Ҳарорат, °С	Катализатор, №			
	2	5	20	21
	Δ Й.с. % I ₂			
120	19	25	27	28
140	27	32	40	42
160	33	38	42	43
180	38	40	45	46
200	44	46	53	54
220	47	49	57	59

9-жадвалдан кўриниб турганидек, ҳарорат ошиши билан тўйиниш тезлиги ҳам ошади, бунда тезликнинг жадал ошиши тахминан 200°С да, ва ҳатто 120-180°С қисмида ҳам кузатилади. Фаоллашишнинг кутиладиган энергияси тахминан 15 кДж/моль га тенг. Юқорироқ ҳароратларда мазкур катталик янада кескин пасаяди, бу эса жараённинг водород диффузияси билан чегараланишини кўрсатади. Ванадий билан промоторланган ва промоторланмаган катализаторларда жараён селективлиги водороднинг 500 кПа босимида, мойнинг узатилиш 1,5 с⁻¹ ҳажмий тезлигида ва водород узатилиш 60 с⁻¹ тезлигида ўрганилди.


Таққосланган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилган ҳароратлар чегараларида (140-200°С) промоторланмаган катализаторда гидрогенлаш селективлиги 54-67 % ни, ванадий билан промоторланган турғун катализаторда (№ 21) эса айнан шу шароитларда 62-76 % ни ташкил қилди. Промоторланган № 21 турғун катализаторда гидрогенлашда селективликнинг энг жадал ошиши 180-200°С да кузатилди. Барқарорлаштиришдан сўнг барча ҳароратларда катализаторларнинг селективлиги ўсиб борди (3-расм). Бироқ босим ошиши билан селективлик, кутилганидек, сезиларли пасайди (4-расм).



№ 2(1), № 15(2) и № 21(3)

3 - расм. Стабиллаштирилган катализаторларда пахта мойини каталитик тўйинтириш жараёни ҳароратини селективлигига боғлиқлиги

Юқори ишқорий катализаторлардан қайта фойдаланишда гидрогенлаш селективлиги анча юқори бўлади. Кутилганидек, ванадий билан промоторланган турғун катализатор (№ 21) қайта ишқорлаштиришдан сўнг абсолютга яқин селективликка эга бўлади.



№ 2(1,1') № 21(2, 2') № 2(1,1') ва № 21(2,2')

4-расм. Стабиллаштирилган катализаторларнинг биринчи ва қайта қўлланилгандан сўнг пахта мойини каталитик гидрогенлаш босимини селективлигига боғлиқлиги

Бир оз пастроқ фаолликка эга қайта тикланган катализаторларда водород барботажини тезлиги гидрогенлаш тезлигига кам таъсир кўрсатади, шунга қарамай тезлик босимга деярли тўғри пропорционал ўсиб боради. Бу шундан далолат берадики, мазкур катализаторларда жараённинг водород бўйича диффузион секинлашиши паст даражага етказилиши мумкин.

Қайта ишлов берилган катализаторда пахта мойини каталитик гидрогенлаш йўли билан олинган озиқ-овқат тўйинтирилган ёғ сифатига жараён технологик шароитларининг таъсирини аниқроқ баҳолаш учун тажрибани режалаштириш усули қўлланилди.

Мазкур ҳолатда водород босими (X_2), жараён ҳарорати (X_1) ва гидрогенланган мойни узатиш тезлиги (X_3) аҳамиятга молик бўлди. Микдорий улуши бўйича омиллар қўйидаги кетма-кетликда жойлашади:

$$X_2 > X_1 > X_3$$

Кўриниб турганидек, тўйинтирилган ёғ сифат кўрсаткичларига энг катта таъсирни узлуксиз гидрогенлаш жараёнида водород босими X_2 кўрсатади. Мазкур шароитларда жараён селективлигига энг катта таъсирни юқори ҳароратларнинг мой бўйича юқори ҳажмий тезлик билан бирикмаси кўрсатади.

Гидрогенизация қурилманинг узок муддатли эксплуатациясида олинган маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотади (10- ва 12-жадваллар)

10-жадвал.

Ванадий билан промоторланган регенерацияланган ва машқ қилинган (120 соат) катализаторда (№ 21) қандолатчилик маҳсулотлари учун тўйинтирилган ёғ олиш

Намуна, №	Гидрогенлаш шароити		Ёғ – кислота таркиби (С),					Селективлик коэффициенти, %	Транскислоталар микдори, %
	Босим, кПа	Мойнинг ҳажмий тезлиги, с ⁻¹	14:0	16:0	18:0	18:1	18:2		
1	100	1,6	0,6	22,0	6,9	53,9	16,6	91,2	17
2	300	1,6	0,6	21,7	8,0	51,4	18,3	90,0	15
3	300	1,1	1,0	22,4	6,0	63,6	7,0	94,8	13
4	100	1,1	1,7	22,2	8,2	50,3	18,0	89,3	14

11-жадвал.

№ 21 катализаторда олинган тўйинтирилган ёғларнинг физик-кимёвий таснифи

Намуна, №	Йод сони, % I ₂	Ёнма-ён кўш боғлар микдори, %	Кислота сони, мг·КОН/г	Эриш ҳарорати, °С	Қаттиқлик, г/см
1	81,5	0,81	0,25	36,6	400
2	75,8	0,82	0,26	37,0	500
3	66,7	0,94	0,29	37,6	480
4	67,6	0,80	0,31	36,3	360

Қурилманинг 30-45 кунлик ишлашдан сўнг катализатор ўзининг фаоллигини шу даражада пасайтирдик, мой бўйича гидрогенлаш жараёнининг камида 0,5 с⁻¹ тенг ҳажмий тезлигини ушлаб туриш учун катализаторни ишқорий регенерациядан ўтказиш лозим бўлди. Кутилмаган ҳолат шу бўлдики, ванадий ва қалай билан промоторланган регенерацияланган катализатор ўз барқарорлигини 0.5-1 кун давомида тиклади ва ишлатишнинг бошиданоқ стандарт озиқ-овқат тўйинтирилган ёғларни олиш имконини берди. Ундан ташқари, регенерацияланган катализаторга 50 % гача тоза катализатор қўшилиши (регенерация давомида қотишманинг массаси ва ҳажми йўқотилишини компенсациялаш учун) жараён селективлигини ўзгартирмади.

**Регенерацияланган ва 800 соат давомида машқ қилинган катализаторда
(№ 21) пахта мойини узлуксиз каталитик гидрогенлаш йўли билан олинган
тўйинтирилган ёғларнинг таснифи
(жараён селективлиги 94-99 %)**

Намуна, №	Гидрогенлаш шароити			Й. с. % J ₂	Транс-кислоталар микдори, %	Кислота сони, мг·КОН/г	Эриш ҳарорати, °С	Қаттиқлик, г/см
	Ҳарорат, °С	Босим, кПа	Мойни узатиш тезлиги, с ⁻¹					
1	200	300	1,8	74,1	11	0,20	34,5	420
2	200	300	1,5	72,1	14	0,21	36,1	500
3	200	100	1,0	64,2	18	0,27	37,2	540
4	180	100	1,0	63,7	19	0,29	37,1	600
5	180	100	1,2	66,4	21	0,35	38,3	620

Тўйинмаган бирикмаларнинг каталитик тўйинтирилиши 200-220°С ҳароратда, 200-500 кПа босимда ва водород узатилишининг 60-90 с⁻¹ ҳажмий тезлигида амалга оширилади. Гидрогенланадиган хомашёнинг катализатор сирти билан таъсирлашуви давомийлиги 60...120 мин ни ташкил қилади. Кўрсатилган технологик шароитларда турғун катализатордан фойдаланиб пахта мойини гидрогенлаш жараёнида транс-изомерланган моноен ёғ кислоталарининг нисбатан паст микдорига (7-11%) эга озик-овқат гидрогенланган ёғлари олинади. Каталитик гидрогенланган озик-овқат ёғларда транс-изомерланган моноен ёғ кислоталарининг микдорини пасайтириш, уларнинг сифатини, физиологик ва озик-овқат қийматини ошириш мақсадида пахта мойини узлуксиз гидрогенлаш ишлаб чиқариш қурилмасида кукунсимон катализатордан фойдаланиб амалга оширилди. Тадқиқ қилинган гидрогенлаш катализаторларида пахта мойини каталитик гидрогенлашнинг нисбий натижалари 13-жадвалда келтирилган.

13-жадвал маълумотларидан (пастки қисм) кўриниб турибдики, кукунсимон катализаторда пахта мойини каталитик гидрогенлаш нисбатан юмшоқ технологик шароитларда (ҳарорат 160-180°С, босим 100-200 кПа, водород йўйча узатишнинг ҳажмий тезлиги 45-60 м³/соат, давомийлик 40...90 мин) кечади. Бунда тўйинтирилган ёғнинг сифати ошиши (кислота сони 0,07-0,17 мг·КОН/г, ранглилик 2-3 № эталон ВНИИЖ), транс-изомерланган ёғ кислоталари микдори минимал даражагача (5-11%) тушади.

Бу каталитик гидрогенланган ёғларнинг озик-овқат қиймати сезиларли ошишига ва юқори озик-овқат хавфсизлиги таъминланишига олиб келади.

14-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, кукунсимон катализаторда каталитик гидрогенлаш мойнинг йод сони сезиларсиз пасайиши билан боради. Каталитик гидрогенлаш кўрсатилган шароитларида гидрогенланган ёғларнинг таркибида транс-изомерланган моноен ёғ кислоталари сезиларсиз тўпланиши кузатилади. Бироқ олинган ёғ маҳсулотининг консистенцияси юқори қаттиқ бўлади. Қаттиқ ва суяқ учглицеридларнинг микдори ва нисба-

ти ($T=20^{\circ}\text{C}$ да): суюқ фракция 93...96 % ва қаттиқ фракция 34...47% доирасида ўзгариб туради.

13-жадвал.

Пахта мойини каталитик гидрогенлашда технологик шароитлар ва тўйинтирилган ёғлар сифат кўрсаткичлари

Каталитик гидрогенлаш шароити					Саломаснинг сифати ($T_{\text{эп}}=32^{\circ}\text{C}$, қаттиқлик 220 г/см)		
Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	Босим, кПа	Водородни узатиш ҳажмий тезлиги, с^{-1}	Мойни узатиш ҳажмий тезлиги, с^{-1}	Давомийлик, мин	Ранглилик ВНИИЖ эталони, №	Кислота сони, мг·КОН/г	Транс-изомерлар миқдори, %
Турғун катализатор №21							
200	300	60	1,0	40	4	0,30	27
200	300	60	1,2	45	4	0,27	21
200	300	60	1,5	50	5	0,25	16
200	300	60	2,0	60	5	0,23	15
Кукунсимон катализатор «Нисосел-800»							
160	200	45*	3,5*	90	2	0,17	23
160	200	60*	2,0*	45	3	0,13	18
180	100	45*	3,5*	90	2	0,09	11
180	100	60*	2,0*	45	3	0,07	8
180	100	60*	1,7*	40	3	0,05	7
180	100	60*	1,5*	40	3	0,05	5

*-бу ҳолларда узатишнинг ҳажмий тезлиги $\text{м}^3/\text{с}$

14-жадвал.

«Нисосел-800» кукунсимон катализаторда каталитик гидрогенланган ёғларнинг сифати ва озиқ-овқат хавфсизлиги

Мойни узатиш ҳажмий тезлиги, $\text{м}^3/\text{соат}$	Сифат кўрсаткич			Озуқавий қиймат	
	Йод сони, % I_2	Эриш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	Қаттиқлик, г/см	Транс-кислоталар миқдори, %	Қаттиқ глицеридлар миқдори, %
5,0	68,4	33,1	280	13	47
5,2	70,8	32,6	240	7	43
5,5	72,6	31,4	200	5	34

Суюқ маргаринларни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган паст қаттиқликдаги каталитик гидрогенланган ёғлар қаттиқ қисмга эга бўлиши лозим бўлиб, уларнинг улуши $15-35^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 4-12% ни, транс-изомерланган ёғ кислоталари улуши эса 6-10% ни ташкил қилиши лозим. Бу нисбатан паст ҳароратларда ($5-15^{\circ}\text{C}$) суюқ маргаринларни ташишда уларнинг юқори сифатини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди.

Тадқиқотлар натижалари (15- ва 16-жадвал) шуни кўрсатадики, пахта мойини гидрогенлаш қурилмасига тахминан $2,4-3,2 \text{ м}^3/\text{соат}$ ҳажмий тезликда узатишда суюқ маргаринларни ишлаб чиқариш учун талабларга жавоб берадиган каталитик гидрогенланган ёғлар олинган.

15-жадвал.

«Нисосел-800» кукунсимон катализаторида гидрогенланган ёғларнинг физик-кимёвий таснифлари ва ёғ кислота таркиби

Намуна, N	Мойни узатиш ҳажмий тезлиги, м ³ /соат	Йод сони, мг J ₂	Кислота сони, мг·КОН/г	Қаттиқлик, г/см	Транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдори, %	Ёғ кислоталари таркиби, %			Қаттиқ глицеридлар миқдори, %
						16:0+18:0	18:1	18:2	
1	1,5	79,8	0,30	240	13,2	42,0	27,8	30,2	73
2	1,8	85,5	0,28	240	11,0	44,0	26,5	29,5	68
3	2,4	92,7	0,26	220	10,2	45,0	25,7	28,5	63
4	2,8	94,0	0,22	200	8,6	46,4	25,6	28,0	58
5	3,2	96,1	0,20	180	6,0	47,8	24,8	27,4	58

16-жадвал.

Овқатбоп каталитик гидрогенланган ёғлар таркибидаги қаттиқ глицеридлар миқдорини ҳароратга боғлиқлиги

Тажриба ҳолати	°C ҳароратдаги ёғлар таркибидаги қаттиқ глицеридлар миқдори (%)									
	0	5	10	15	20	25	30	35	40	45
1	20,2	22,7	22,9	20,2	17,2	15,7	13,7	8,4	3,7	0,5
2	19,7	21,6	21,0	19,8	16,5	14,8	11,6	6,5	2,8	0,7
3	18,9	17,8	17,0	15,5	11,1	9,4	7,5	3,0	-	-
4	17,2	13,1	12,0	10,5	9,0	7,5	4,6	2,2	-	-
5	9,8	9,2	8,0	6,5	5,9	4,5	2,4	1,0	-	-

Шундай қилиб, турғун ва кукунсимон катализаторда каталитик гидрогенланган озиқ-овқат ёғларнинг сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш технологик усуллари ишлаб чиқилди. Бу пахта мойидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида кукунсимон катализаторда каталитик гидрогенлаш саноат технологиясини сезиларли осонлаштириш имкониятини берди.

